

**“Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти  
ягона акциядорининг  
Қ А Р О Р И**

2019 йил “4” апрел

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги, ушбу Қонун ва жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилиниши ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши кераклиги белгиланган.

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсининг 2019 йил 20 мартдаги 10/1-1414-сонли хати билан тақдим этган маълумотига асосан “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳисобланади.

Шунга кўра, жамиятининг юқори бошқарув органи қарор қабул қилиш учун куйидаги масалаларни кўриб чиқди:

**1. “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятининг янги таркибдаги қузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.**

**2. “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятининг тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.**

**Кун тартибидаги масалалар юзасидан:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.01.2019 йилдаги “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5630-сонли Фармонига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, унга тугатилаётган Давлат рақобат қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш марказининг штат бирлиги, шунингдек, давлатнинг, шу жумладан, хориждаги активларини бошқариш ва шу каби бир қатор вазифа, функция ва ваколатлари берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.01.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4112-сонли қарорига мувофиқ, Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги “Давлат активларини бошқариш маркази” ДУКнинг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва давлат, шу жумладан чет элдаги активларини бошқариш бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланиши, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ хўжалик жамиятларининг устав капиталида ўзига берилган давлат акция пакетлари (улуш) бўйича акциядор (таъсисчи ва иштирокчи) ҳуқуқини амалга ошириши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасида жамият қузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссиясининг (тафтишчисини) аъзоларини сайлаш ва

уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масалалари жамият акциядорлар умумий йиғилиши ваколати доирасида ҳал этилиши лозимлиги белгиланган.

Шунга кўра:

1. “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятининг янги таркибдаги кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодларни киритиш таклиф этилди:

1) Шарипов Отабек Бекмуродович – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг бошқарма бошлиғи;

2) Мухаммадиев Ўқтам Шарифович – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бошқарма бошлиғи ўринбосари;

3) Маматқулов Дониёр Абдуқаюмович – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари;

4) Маматов Шавкат Қувонович – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бўлим бошлиғи;

5) Маматов Одилжон Абдугапарович – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бўлим бошлиғи.

2. “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятининг тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни киритиш таклиф этилди:

1) Синдаров Жамшид Нуриддинович – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахассиси;

2) Муродов Жаҳонгир Хусниддин ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг етакчи мутахассиси;

3) Хуррамов Одил Азаматович – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахассиси.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори қуйидагича **ҚАРОР ҚИЛДИ**:

1. “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятининг янги таркибидаги кузатув кенгаши қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1) Шарипов Отабек Бекмуродович – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг бошқарма бошлиғи;

2) Мухаммадиев Ўқтам Шарифович – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бошқарма бошлиғи ўринбосари;

3) Маматқулов Дониёр Абдуқаюмович – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари;

4) Маматов Шавкат Қувонович – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бўлим бошлиғи;

5) Маматов Одилжон Абдугапарович – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бўлим бошлиғи.

2. “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятининг тафтиш комиссияси таркиби қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1) Синдаров Жамшид Нуриддинович – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахассиси;

2) Муродов Жаҳонгир Хусниддин ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг етакчи мутахассиси;

3) Хуррамов Одил Азаматович – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахассиси.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти Бошқарув раиси М.Каримов зиммасига юклатилсин.

**Давлат активларини бошқариш  
агентлиги директори**



**Н.Жўраев**

